

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЛМУХАМЕДОВ БАХТИЁР ФАРХОДОВИЧ**

**ЎЗБЕК ТИЛИДА ЛЕКСЕМАЛАШУВ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2020**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертация  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

<b>Холмухамедов Бахтиёр Фарходович</b> Ўзбек тилида лексемалашув.....	3
<b>Холмухамедов Бахтиёр Фарходович</b> Лексемазация в узбекском языке .....	23
<b>Holmuhamedov Bahtiyor Farhodovich</b> Lexemazation in Uzbek language .....	43
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЛМУХАМЕДОВ БАХТИЁР ФАРХОДОВИЧ**

**ЎЗБЕК ТИЛИДА ЛЕКСЕМАЛАШУВ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2020**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Fil694 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат университетидида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар</b>	<b>Одилов Ёрқинжон Раҳмоналиевич</b> филология фанлари доктори
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Маматов Абдуғофир Эшонқулович</b> филология фанлари доктори <b>Хайруллаев Хуршиджон Зайниевич</b> филология фанлари доктори
<b>Етакчи илмий муассаса:</b>	<b>Бухоро давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: [rector@samdu.uz](mailto:rector@samdu.uz) Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (0366) 239-11-40).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**М.Қ.Муҳиддинов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**А.Б.Пардаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

**А.Э.Маматов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида ҳар бир тил ҳодисасини ўрганишга янги ёндашувлар, янги илмий изланишлар, эътибордан четда қолган, одатда, бошқа тил ёки тиллар хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тилшунослик мундарижасини белгилашдан воз кечиш, тилни ўз тарихий тараққиётини тўғри ҳисобга олган ҳолда, ана шу тарихий тараққиёт асосида ўрганиш борасида кўплаб ишлар қилинмоқда. Умумтилшуносликда сўз ясалиши, унинг диахрон ва синхрон аспектдаги тараққиёти хусусида ранг-баранг фикрлар билдирилган. Тилларнинг тарихий тараққиёти давомида сўз ясалиш жараёнида фаол иштирок этадиган лексемалашув ҳодисасининг моҳиятини, унинг юзага келиш сабабларини тадқиқ этиш тилшуносликнинг муҳим вазифалари сирасида қаралади.

Дунё тилшунослигида тилларнинг мунтазам бойиб боришига хизмат қилаётган сўз ясалиши ҳар бир тилнинг тараққиёт даражасини, унинг ривожланиб бориш йўллари кўрсатиб берувчи, бойлик кўламини белгиловчи муҳим омиллардан бири саналади. Жаҳон тилшунослигида сўз ясалиш йўллари ва усуллари, хусусан лексемалашув ҳодисасига учраб, янги маънолар ифода этишга хизмат қиладиган тил бирликларининг лексик-семантик ва грамматик хусусиятлари тадқиқи мазкур ҳодисанинг тил ривожидида тутган ўрнини белгилашга хизмат қилади. Бинобарин, нарса ва ҳодисалар, тушунчалар ўртасидаги яқинлик, уларнинг ифодаси бўлган сўзларнинг қўлланиш доирасини, маъно кўламини кенгайтириб, улардаги кейинги маъноларнинг меъёрлашиб бориши тилнинг тараққиёт қонунларига мос тарзда шаклланишини, умуман, улар тараққиётидаги жиҳатларни монографик ўрганиш, ўз навбатида, бундан дунё илмий жамоатчилигини хабардор этиш заруратини юзага келтиради.

Мустақиллик нафақат ўзбек халқига, балки дунёнинг бошқа минтақаларида яшовчи халқларга Ўзбекистон халқи билан ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида, жумладан дипломатик, иқтисодий ва илмий соҳаларда ҳамкорлик қилишларига шароит яратиб берди. «Ҳозирги кунда ўзбек тили ҳаётимизнинг барча жабҳаларида – давлат ва жамият бошқаруви, давлатлараро муносабатлар, илм-фан, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва санъат соҳаларида фаол қўлланилмоқда, халқаро минбарлардан баралла янграмоқда».<sup>1</sup> Бинобарин, янги тараққиёт йўлидан бориш ўзбек тилининг бойиб боришидаги омиллардан бири бўлган сўз ясалишига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Шу маънода ўзбек тилининг мунтазам бойиб боришига хизмат қилаётган сўз ясалиши қонуниятларини янада чуқурроқ ўрганиш ғоятда муҳим вазифадир. Сўз ясалиш жараёнида фаол иштирок этадиган лексемалашув ҳодисасининг моҳиятини ўрганиш ҳам ана шу муҳим

---

<sup>1</sup>uz.uz. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги ПҚ-4479-сон Қарори.

вазифалар силсиласида қаралади. Шу пайтга қадар ўзбек тилшунослигида бу ҳодисани монографик йўналишда ўрганиш кун тартибига қўйилмаганлиги мавзунинг нечоғлик долзарб эканлигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789 сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш» ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги, «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги ПҚ-4479-сонли Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги 571-сонли «Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбек тили тарихини, унинг бугунги мавқеини ва маданийлик даражасини ўрганиш, тадқиқ этилган жиҳатларини қайта кўриб чиқиш, айрим масалаларга аниқликлар киритиш ҳамда бу борада тадқиқотлар кўламини кенгайтириш давр талабига айланди. Ўзбек тилининг бойиб боришидаги, ифода ва истифода имкониятларининг кенгайиб боришидаги самарали омиллардан бири сўз маъносидаги семантик-услубий силжишлар бўлиб ҳисобланади. Лексик бирликнинг турли синтактик қуршовлар ва нутқий вазиятларда иштирок этиши турлича маъноларни ифода этишини таъминлайди. Бунинг натижасида тил бирликларининг маъно ҳажми ва имкониятлари кенгая боради. Лисоний бирликлардаги янги маънолар ва уларни намоён этадиган грамматик шаклларнинг аста-секинлик билан тилда барқарорлашуви, мустақил тил бирлиги сифатида эътироф этилиши ва луғатларда қайд этилиши қонуний бир тусга киради.

Ўзбек тилшунослигида сўз ясалишига оид кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, уларнинг асосий қисми академик Азим Ҳожиёв қаламига мансуб<sup>2</sup>. Сўз ясалиш назариясига оид мулоҳазаларни А.Ҳожиёв

<sup>2</sup>Ҳожиёв А. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. – Тошкент: Фан, 1963. -145 б.; Ҳожиёв А. Сўз ясаш усуллари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1975. -№4. – Б.43-48.; Ҳожиёв А. Сўзнинг морфологик ва сўз ясалиш структураси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1976. -№3. – Б.29-32.; Ҳожиёв А. Ҳозирги

тадқиқотларидан ташқари А.Ғуломов, М.Миртожиев, А.Нурмонов ва Н.Маҳмудовларнинг кузатишларидан ҳам топиш мумкин<sup>3</sup>. Ушбу ишлар ҳам ўзбек тили сўз ясалишига бўлган муносабатга аниқликлар киритилишига, бинобарин, бу соҳада тадқиқот кўламининг кенгайишига олиб келади. Ушбу тилшуносларнинг тадқиқотлари натижасида ўзбек тили тараққиётининг бугунги босқичида сўз ясалиши тадқиқидаги кўпгина мунозарали масалаларга ойдинлик киритилди, дейиш мумкин. Жумладан, шу пайтга қадар сўз ясалиши ҳодисаси морфология соҳасида ўрганилиб келинган бўлса, энди у тилшуносликнинг мустақил соҳаси сифатида тан олинди ва шундай ўрганила бошланди. У.Турсунов, Ж.Мухторов, Ш.Раҳматуллаевлар томонидан чоп этилган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслигида сўз ясалиши тилшуносликнинг «Морфология» бўлимида берилган бўлса, бу асарнинг кейинги нашрларида унинг алоҳида бобда мустақил лингвистик соҳа сифатида берилиши бунга мисол бўла олади<sup>4</sup>.

Сўз ясалиш жараёнида фаол иштирок этадиган лексемалашув ҳодисасининг моҳиятини ўрганиш ҳам ана шу вазифалар силсиласида қаралади. Аммо оламдаги нарса-ҳодисаларга ном бериш, шу орқали янги тушунчани ўзлаштиришнинг бир шакли бўлган айна ҳодисанинг ўзбек тилшунослигида ҳозиргача алоҳида ўрганилмаганлиги, балки сўз ясалиши билан боғлиқ ўринлардагина тўхталиб ўтилгани билан боғлиқ бир қатор масалаларнинг умумлаштирилган ҳолда махсус тадқиқ этилмаганлиги ушбу мавзунини монографик планда ўрганишни тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг «Ўзбек тили бирликларининг функционал-прагматик ва семантик-услубий таҳлили (синхрон ва диахрон аспект)» (2016-2020 йй.) мавзусидаги илмий тадқиқот режасининг таркибий қисми сифатида ҳамда ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбек тили ва адабиётининг долзарб муаммолари» йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек тилида сўз ясалиш йўллари ва усуллари, хусусан лексемалашув ҳодисасига учраб, янги маънолар ифода этишга хизмат қиладиган тил бирликларининг лексик-семантик ва грамматик хусусиятларини атрофлича тадқиқ этиш орқали мазкур ҳодисанинг ўзбек

---

ўзбек тилида форма ясалиши. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. -80 б.; Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиши. – Тошкент, 1989. -111 б.; Ҳожиёв А. Совет даврида ўзбек адабий тилининг тараққиёти. III том. Сўз ясалиши ва лексика. – Тошкент: Фан, 1991. -187 б.; Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. -168 б.

<sup>3</sup>Миртожиев М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. – Тошкент: ЎзМУ, 2000. -80 б.; Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тили сўз ясалишига бир назар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1987. -№3. – Б. 36-38.; Ўзбек тили грамматикаси. I том. – Тошкент: Фан, 1975. -612 б.

<sup>4</sup>Қаранг: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. -400 б.; Бу ҳақида яна қаранг: Мирзакулов Т. Ўзбек тили морфем парадигматикаси ва синтагматикаси масалалари: Филол.фан.д-ри...дисс.автореф. – Тошкент, 1994. -42 б.

тили ривожда тутган ўрнини белгилаш ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сўз ясалишини ҳар бир тилнинг тараққиёт даражасини, унинг ривожланиб бориш йўлларини кўрсатиб берувчи, бойлик кўламини белгиловчи муҳим омиллардан бири эканлигини далиллаш;

лексемалашув ҳодисасини ўзбек тилида мавжуд бўлган бошқа лингвистик ҳодисалар силсиласида ўрганиш;

лексиализация ҳодисасининг ўзбек тили сўз ясалиш тизимидаги ўзига хос ўрнини белгилаш;

лексемалашув ҳодисаси ўзбек тилининг ички имкониятлари ёрдамида бойишидаги етакчи омиллардан бири эканлигини назарий жиҳатдан асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўзбек тилидаги лексемалашув ҳодисасининг лисоний табиати, юзага келиш хусусиятлари, ўзбек тили ривождаги ўрнини очиб бериш танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** лексемалашув жараёнига тортилган бирликлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация тадқиқотини бажаришда тавсифлаш, таснифлаш, контекстуал, қиёсий-тарихий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сўз ясалиши муайян тилнинг тараққиёт даражасини, унинг ривожланиб бориш йўлларини кўрсатиб берувчи, бойлик кўламини белгиловчи муҳим омил эканлиги очиб берилган;

лексемалашув ҳодисасининг лисоний табиати, сўз ясалиши тизимидаги ўрни, луғат таркибининг бойитишдаги хизмати ва ушбу жараёнининг юзага келиш сабаблари аниқланган;

лексемалашув ҳодисаси нутқий ҳодиса сифатида асосланиб, синтагматиклашувдан фарқи далилланган;

лексемалашув натижасида қўшма сўзларнинг юзага келиши асосланган;

лексемалашув ҳодисаси натижасида алоҳида лексемалар, қисқартма сўзлар, фразеологик бирликлар юзага келиши кўрсатилиб, лексемалашувга учраган сўзлар имлоси аниқлаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

лексемалашув ҳодисасининг ўзбек тили луғат таркибининг бойитишдаги ўзига хос ўрни асосланган;

лексемалашув ҳодисасининг амалиётга жорий этилиши ўзбек тилшунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши; тил тарихи, матн тилшунослиги, тилшунослик назарияси каби фанлардан яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

лексемалашувга учраган сўзлар имлоси юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

лексемалашув маҳсули бўлган тил бирликларининг тури, ўзбек тили луғат таркибидаги ўрни кўрсатилган;

лексемалашган бирликларнинг тил ва нутқдаги ўрни, аҳамиятини изоҳлаш орқали она тили таълимида ҳамда ўқувчи-талабаларнинг оғзаки сўзлашув нутқида муҳим амалий аҳамият касб этиши очиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ кўйилгани, қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилгани, чиқарилган хулосаларнинг тавсифий, қиёсий-тарихий ва контекстуал таҳлил усуллари ёрдамида асослангани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, жаҳон тилшунослигининг энг янги илмий концепциялари асосида ўрганилганлиги, терминларга баҳо беришда ишончли назарий манбалардан фойдаланилгани билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тилининг бойишига хизмат қиладиган лексемалашув ҳодисасининг лингвистик табиати асосан синхроник ва қисман диахроник йўналишда очиб берилгани, мазкур ҳодисанинг юз бериш жараёни, унда тил материалларининг иштироқи, ҳосила маъноларнинг вужудга келиш омиллари аниқланганлиги, нутқ жараёнидаги бошқа лингвистик ҳодисалар билан қиёсланган ҳолда таҳлил этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти лексемалашув борасида баён қилинган фикр-мулоҳазалар ва олинган хулосалардан «Сўз ясалиши» соҳасига доир назарий адабиётларни яратишда, «Ҳозирги ўзбек тили», «Ўзбек тили тарихи», «Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси» каби фанлардан махсус курс ва семинар машғулотларини ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек тилида лексемалашув ҳодисасининг юзага келишини ўрганиш асосида:

лексемалашув ҳодисасининг ўзбек тили сўз ясалиш тизимидаги ўзига хос ўрнини аниқлашга оид назарий хулосалардан ФА-Ф1-ГО41 «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш» (2012-2016) номли фундаментал лойиҳага татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2019 йил 13 октябрдаги ФА-0313/693-сонли маълумотномаси). Илмий натижалар асосида ўзбек тилининг лексик бирликлари тизими бойиган, муайян лексемалар маънолари очиб берилган;

лексемалашув ҳодисасининг ўзбек тилининг ички имкониятлари асосида бойишидаги етакчи омиллардан бири эканлигига оид назарий хулосаларидан ОТ-Ф8-062 рақамли «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» номли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 30 июлдаги 89-03-2859-сон маълумотномаси). Илмий натижалар асосида кўплаб лексемаларнинг изоҳлари

мукаммаллаштирилган;

Ўзбек тилидаги сўз бирикмаларининг бир сўз, яъни лексемага айланиши ҳақидаги хулосаларидан И-2014-4-5 рақамли «Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида вертуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш» номли инновацион лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 23 августдаги 89-03-3171-сон маълумотномаси). Илмий натижалар асосида лексемаларнинг серкирралик моҳияти ёритиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 5 та республика ва 2 та халқаро конференцияда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий мақола нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 137 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, илмий тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, объекти ва предмети, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, жорий қилиниши, апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ўзбек тили сўз ясалиш тизими**» деб номланган. Бобнинг «*Ўзбек тили сўз ясалиши тизимининг тадқиқи ва талқини*» (1.1.) деб номланган биринчи бўлимида тилимизнинг мунтазам бойиб боришига хизмат қилаётган сўз ясалиши моҳияти, юзага келиш сабаблари хусусида сўз юритилган ва ўзбек тилшунослигида сўз ясалишига оид амалга оширилган тадқиқотлар тавсифланган. Жумладан, сўз ясалиш назарияси бўйича А.Ғуломов, А.Ҳожиев, М.Миртожиев, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов ва бошқа тилшуносларнинг фикрларига муносабат билдирилган.

Сўз ясалиши материал қамрови жиҳатидан тилшуносликнинг фонетика, лексикология ва грамматика сингари соҳалари билан яқин алоқадорликда бўлади. Чунки сўз ясалиши жараёнида у ёки бу даражада ана шу соҳаларнинг

қоида ва категориялари ҳам иштирок этади. Аммо юзага келган ҳосила маънолар тўлалигича лексикология ихтиёрида бўлади. «Сўз ясалиши»нинг туркологиядаги аввалги тадқиқотларда, рус тилшунослигида, қолаверса, ўзбек тилшунослигида морфология таркибига киритилишида ҳам узоқ йиллар давомида шу жиҳатлар асос бўлган. Шу билан бирга, сўз ясалиши тилшунослик таркибида ўзига хос қонун-қоидаларга бўйсунадиган жараён сифатида иштирок этади ва бу ўзига хосликлар унинг алоҳида соҳа сифатида шаклланиши ҳамда яшашига асос бўлади.

Академик А.Ҳожиев сўз ясалишининг асосий усуллари сифатида лингвистик адабиётларда қайд этилаётган қуйидаги: 1) семантик (ёки лексик-семантик), 2) фонетик, 3) синтактик-лексик, 4) аффиксация, 5) композиция, 6) аббревиация усуллари санаб ўтади ҳамда улар орасида аффиксация ва композицион усуллар асосий усуллар эканлигини айтади ва бошқа туркий тилларда сўз ясалиши ўрганилган лингвистик адабиётларда сўз яшанинг иккитадан еттитагача тури мавжудлигини кўрсатади<sup>5</sup>. А.Ғулумов ҳам ҳозирги ўзбек тилида сўз яшанинг кенг қўлланадиган энг унумли ва етакчи турлари сифатида аффиксация ва композицияни кўрсатган эди<sup>6</sup>. Таъкидлаш жоизки, А.Ҳожиев 2007 йилда нашр эттирган китобида ўзбек тилида сўз яшанинг асосий усуллари сирасидан композиция усулини чиқариб ташлайди, ўзбек тилидаги мавжуд қўшма сўзларнинг аксарияти композиция усули билан ясалмаганлигини таъкидлайди<sup>7</sup>. Аммо ўзбек тилининг мустақиллик даврини кузатишдан маълум бўлмоқдаки, бу тилда композиция усули билан янги сўзлар ҳосил қилиш фаол давом этмоқда.

Сўз яшаш усулларининг қандай тасниф этилишидан қатъий назар, бу ўринда бизни, мавзуга алоқадорлик нуқтаи назаридан, синтактик-лексик усул қизиқтиради. Сўз ясалишининг бу тури моҳиятида муайян эркин бирикманинг тил тарихий тараққиёти давомида ягона лексемага айланиши туради, синтактик бирликдан лексик бирликка ўтади, усул номидаги *синтактик* – эркин бирикмани, *лексик* – юзага келган қўшма сўзни билдиради, бу лексемалашув ҳодисасининг намоён бўлиш механизмидир. Масалан, *сўз боши*, *элик боши*, *юз боши*, *минг боши* эркин бирикмаларининг грамматик алоқани йўқотиб, қўшма сўзга айланишидир. Ўз навбатида, мазкур қўшма сўзларнинг лексемалашувга тортилиш жараёнлари бир пайтда юз бермаган. *Эликбоши*, *юзбоши*, *мингбоши* кабилар *сўзбошига* нисбатан бир қадар аввалроқ рўй берган бўлса, *йилбоши* сўзига нисбатан *сўзбоши* бирлигининг лексемалашув жараёнига тортилиши олдинроқ юз берган. Ўрни келганда шуни ҳам қайд қилиб ўтиш лозимки, айрим лексемалашган бирликлар муайян бир матнда атайин ҳам лексема, ҳам бирикма шаклида қўлланиши мумкин. Масалан, қиёсланг: *Дарҳақиқат*, *Наврўз ҳижрий-шамсий йил ҳисоби бўйича ҳамал ойининг биринчи куни* – *йилбоши ҳисобланади* («Халқ сўзи» газетаси). *Шу боис жорий йил бошининг ёмғирли*

<sup>5</sup>Қаранг: Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши. – Тошкент, 1989. – Б.29.

<sup>6</sup>Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. – Тошкент: Фан, 1975. – Б.22.

<sup>7</sup>Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиш тизими. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. –168 б.

келгани ҳам барчамизни хушнуд этипти («Халқ сўзи» газетаси). Биринчи жумлада лексемалашган бирлик эканлигини унинг қўшиб ёзилганидан, иккинчи жумлада сўз бирикмаси бўлиб келганлигини ажратиб ёзилгани ҳамда гапнинг умумий мазмунидан билиб олиш мумкин.

Ушбу тадқиқотда гап лексемалашув ҳодисасининг лингвистик табиатини кенгроқ талқин қилиш ҳақида борар экан, бунда сўз ясалишининг синхрон ва диахрон аспекти ҳам четлаб ўтиб бўлмайди. Хохлаймизми-йўқми, лексемалашув ҳодисаси лисоний бирликка диахроник ёндашувни талаб этади, айти пайтда, лексемалашув маҳсули бўлган бирлик тилнинг синхроник ҳолатида амал қилади, унинг лексемалик мақоми ҳам маълум маънода синхронияда баҳоланади. Тилдаги лексемалашув ҳодисаси ва унинг сўз ясалиш жараёнидаги ўрни ва хизматини белгилаш ҳам ана шундай долзарб масалалардан саналади.

Бобнинг «Қўшма сўзлар ва уларнинг ясалиш усуллари» номли иккинчи бўлимида (1.2.) лексемалашув ҳодисасининг маҳсули бўлган қўшма сўзлар ва уларнинг шаклланиши, лексик-грамматик табиати хусусида сўз юритилган. Ўзбек тилида қўшма сўзларнинг лисоний табиати, ясалиши ва имлоси А.Ғуломов, Б.Мадалиев, Н.Маматов, А.Ҳожиев каби тилшунослар томонидан ўрганилган<sup>8</sup>. Шунингдек, туркология ва рус тилшунослигида ҳам қўшма сўзлар масаласи ўтган асрнинг ўрталаридаёқ тадқиқотлар объекти бўлган<sup>9</sup>.

Қўшма сўзларнинг лисоний хусусиятларини аниқлашда, асосан, Европа тилшунослигида пайдо бўлиб, рус тилшунослигига ҳам кўчган қарашлар кейинроқ туркий тиллар тадқиқига ҳам татбиқ этила бошлади. Бунинг энг кўп кузатиладиган жиҳатини қўшма сўз термини остида бирдан ортиқ сўздан тузилган бирликларни тушунилишида кўриш мумкин. Ўзбек тилшунослигидаги айрим адабиётларда ҳам қўшма сўз терминининг туркологияда турлича изоҳланиши ва бунинг натижасида «қўшма сўз», «жуфт сўз», «составли (таркибли) сўз» терминларининг аралаш қўлланаверганлиги, бу, ўз навбатида, асл қўшма сўзнинг лисоний моҳиятини англаш ва тушунтиришда маълум чалкашликлар келтириб чиқаргани айтилар экан, аслида қўшма сўз деганда қандай бирликни тушуниш кераклигини кўрсатувчи таъриф берилди: «Қўшма сўз деганда ўзаро боғланган икки ёки ундан ортиқ сўз эмас, балки бирдан ортиқ негиздан ташкил топган бир сўз тушунилиши керак: тоғолча, токилон, мош ранг, содда дил каби»<sup>10</sup>. Ҳозирги

<sup>8</sup>Ғуломов А. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма сўзларнинг имлоси ҳақида (рус тилида) / «Ученные записки ТашГПИ» им. Низами. Фиологический сборник, вып. 2. – Ташкент, 1954; Мадалиев Б. Сложные слова в современном узбекском языке: Автореф.дис...канд.филол.наук. – Ташкент, 1956; Ақобиров С. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида қўшма сўзлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1965. -№5. – Б.35-38; Маматов Н. Қўшма сўзлар қўшиб ёзилади // Ўқитувчилар газетаси. 1981 йил 23 сентябрь; шу муаллиф. Ўзбек тилида қўшма сўзлар. – Тошкент, 1982; Ҳожиев А. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. – Тошкент: Фан, 1963. – 145 б.; Шу муаллиф. Ўзбек тили сўз ясалиши. – Тошкент, 1989. – 109 б.

<sup>9</sup>Кенесбаев С.К. Қос создердің кейбір жасалу жолдары / «Ученные записки КазГУ», т. 11. – Алма-Ата, 1946; Сайфуллин Ч.Г. Устойчивые словосочетания в современном уйгурском языке: Автореф. дис...канд.филол.наук. – СПб, 1953; Шукуров Ж.Ш. Кыргыз тилиндеги татаал сөздер. – Фрунзе, 1955; Бердыев Р. Сложные слова в туркменском языке. Автореф.дис...канд.филол.наук. – М., 1955; Адилов М.И. Сложные слова в азербайджанском языке. Автореф.дис...канд.филол.наук. – М., 1958.

<sup>10</sup>Ҳожиев А. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. – Б.7.

Ўзбек тилида охиридаги икки сўз қўшиб ёзиладиган бўлган. Бунда уларнинг бир маънони ифодаладиган ягона лексемага айланиши назарда тутилган. Бунинг учун эса ўзаро бирикаётган сўзлар ўртасида қандайдир мантикий боғланиш бўлиши ва бу боғланиш уларнинг ўзаро бирикиб янги мазмун ва янги шакл пайдо қилишига олиб келиши лозим. Табиийки, бундай боғланишни юзага келтирадиган усуллар ҳам мавжуд бўлиши керак ва бу усуллар синтактик-лексик, синтактик-морфологик ҳамда морфологик усуллар эканлиги айtilган.

Қўшма сўзлар қайси усул билан ясалиши, таркиби қандай сўз туркумларига алоқадор бўлишидан қатъий назар ясама сўз сифатида қаралади ва уларнинг катта қисми лексемалашув ҳодисасининг маҳсули ҳисобланади ҳамда ўзбек тили луғат таркибининг узлуксиз бойиб боришига хизмат қилади.

Бобнинг «*Лексемалашув маҳсули бўлган бирликлар имлоси*» номли учинчи бўлимида (1.3.) лексемалашувга учраган бирликлар имлосидаги чалкашликлар хусусида сўз юритилган. Имлода қўшма сўзларни сўз бирикмасидан фарқлаш эҳтиёжи уларни ёзувда ҳам фарқлаш заруриятини келтириб чиқаради. Ана шу фарқлаш ўзбек тилида семантик тамойилга асосланган бўлиб, бу тамойилга асосан қўшма сўзларнинг барча тури қўшилиб ёзилиши лозим бўлади. Аммо бунинг амалда иложи йўқ. Иккинчи компоненти феъл бўлган қўшма сўзларни биргаликда ёзиб бўлмайди. Компонентлари бошқа сўз туркумларидан ҳамда ясалиш қолипи бир хил бўлган сўзларни ҳам ҳамма вақт бу қоидага тушириб бўлмайди. Уларнинг бири қўшиб ёзилса, иккинчиси ажратиб ёзилади: *чаласавод – соф дил, бошланг – оёқ яланг, қушбўйин – дутор бўйин* ва ҳоказо. Қолип бир хил ва компонентларнинг биттаси бир хил бўлган қўшма сўзлар ҳам турлича ёзилмоқда: *биратўла, бирваракай, бирдам, бирдан, бирпас – бир зум, бир йўла, бир маҳал, бир нав, бир неча, бир нима, бир оз, бир хил, бир қадар, бир қанча, бир қатор, бир қозон* (қушнинг номи); *иззатталаб, обрўталаб, ҳурматталаб – эътибор талаб, таъмир талаб* каби.

Хуллас, ўзбек тилида ҳам, кўпгина тилларда бўлгани каби, қўшма сўзларни, жумладан лексемалашувга учраган бирликларни қўшиб ёки ажратиб ёзиш тамойили амал қилади. Уларни бир-биридан фарқлаш маълум қийинчиликларни юзага келтиради, албатта. Бу, айниқса, сўзларнинг ижтимоийлашув жараёнида яққол кўзга ташланади. Бу жараён улар токи меъёрлашиб, орфографик ва орфоэпик қоидалар кўмагида ўз «паспорти»га эга бўлгунга қадар давом этади. Бу нима билан боғлиқ? Шу билан боғлиқки, лексемалашув туфайли айрим сўз бирикмалари яхлит бир шаклга келгунга қадар турли босқичларни босиб ўтади. Уларнинг баъзилари аллақачон қўшилиб кетган, баъзилари шунга яқинлашиб қолган, бошқа бирлари эса ҳали бу даражага бориб етмаган, яъни қўшилиб улгурмаган. Бу тилнинг тараққиёти билан боғлиқ равишда секин-аста юзага келувчи жараёндир.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Лексемалашув ҳодисаси ва унинг назарий асоси**» деб номланган. Бобнинг «*Лексемалашув ҳодисаси ва унинг ўрганилиши*» деб номланган биринчи бўлимида (2.1.) лексемалашув ҳодисасининг тилшуносликда ўрганилиши, лингвистик манбалардаги таърифлари хусусида сўз юритилган. Дунё тилшунослигида лексемалашув ҳодисаси бўйича муайян ишлар амалга оширилган<sup>11</sup>. Жумладан, Е.Б.Яковлеванинг диссертациясида инглиз тилидаги тузилиши ва кўлами турлича бўлган лексик ва синтактик қўшилмалар қиёсий таҳлил қилинган, шу асосда морфология ҳамда синтаксис ўртасидаги муносабат аниқланган<sup>12</sup>. Лексемалашув ҳодисасига берилган тавсифларни умумлаштиришдан маълум бўладики, муайян воситалар билан грамматик шаклланган эркин бирикма тилнинг тарихий тараққиёти натижасида ўзаро грамматик алоқасини йўқотиб, битта лисоний бирликка айланади. А.И.Кузнецова: «ҳар қандай тилнинг тараққиётида бир-бирига боғлиқ икки тенденция: айрим мустақил сўзларнинг ёрдамчи воситаларга айлантирадиган грамматикалашув ҳамда ёрдамчи воситаларнинг сўзнинг узвий қисмига, яъни морфемаларга айлантирувчи лексемалашув»лигини таъкидлаб, бу агглютинатив тилларда, жумладан, туркий тилларда кузатилишини уқтиради<sup>13</sup>. Айтилган мулоҳазалардан лексемалашув ҳодисасини нограмматикалашиш, грамматикалашув ҳодисасини эса нолексемалашуш тарзида тушуниш ҳам мумкин.

Ўзбек тилшунослигида лексемалашув ҳодисасини ёритишга бағишланган махсус тадқиқот йўқ, йўл-йўлакай айтилган қайдлар мавжуд. Хусусан, «лексемалар ҳосил бўлишининг навбатдаги кенг тарқалган усули лексемалашушдир. Тарихан сўз бирикмалари (ҳатто гап) қолипларининг ҳосиласи бўлган сўз бирикмалари (гап қисмлари) орасидаги синтактик алоқанинг йўқолиши ва бу ҳосилаларнинг шакл ҳамда мазмун бутунлиги, тайёр, турғун бирликларга айланиши лексемалашуш дейилади. Масалан, (бошоғриқ, белбоғ, ишбоши, қўлқоп, кўзойнак ва ҳ.к.) каби лексемалар шулар жумласидандир»<sup>14</sup>. Аммо лексемалашув сўз ясалиши билан боғлиқ ҳодиса бўлгани боис сўз ясалиши, лексикология ва грамматикага оид кузатишларда қисқа мулоҳазалар билдирилган.

Ўзбек тили материаллари ҳам лексемалашувга тортилган эркин бирикма ва ҳосила лексеманинг маънолари ўртасида умумийлик, яқинлик мавжудлиги, ҳатто эркин бирикма қисмларининг маънолари лексемалашган

<sup>11</sup>Балаж Я. Синтагматизация и лексикализация (к теоретическим вопросам лексикологии и лексикографии) / Лексикология и лексикография. – М.: Наука, 1972. – С. 23-47; Кузнецова О.Д. О понятии лексикализации фонетических явлений в говорах // Вопросы языкознания. – Москва, 1978. -№2. – С.12-14; Михалева Е.В. Явление лексикализации внутренней формы слова: дисс.канд.филол.наук. – Томск, 1994. – 274 с.; Шемаева Е.В. Когнитивные основы лексикализации форм множественного числа имени существительного (на материале английского и русского языков). Дис...канд.филол.наук. – Белгород, 2014. – 162 с.

<sup>12</sup>Яковлева Е.Б. Просодия атрибутивной синтагматики в современном английском языке: Автореф дисс.канд.филол.наук. – Москва, 1976. – 23 с.

<sup>13</sup>Кузнецова О.Д. О понятии лексикализации. Лексикализация фонетических явлений в говорах // Вопросы языкознания. – Москва, 1978. -№2. – С.111-114.

<sup>14</sup>Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикология асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б.45.

бирликда тўлиқ акс этишини кўрсатди. Масалан, *белбоғ* лексемаси англатадиган маъно *бел* ва *боғ* сўзларининг маънолари билан яқин боғлиқликдадир.

Р.М.Гайгер лексика ва сўз ясашидаги мунозарали масалаларга тўхталиб, лексемалашувнинг мақомини аниқлашда ноаниқликлар мавжудлигини айтиб ўтган эди. Лексемалашув жараёнида қандай ҳодиса юз беради – шакл ясалишими ёки сўз ясалишими деган мунозара, табиий равишда уни грамматика доирасида қараш лозимми ёки лексикологиянинг ўрганиш объекти бўлиши керакми, деган масалани ҳам келтириб чиқарган<sup>15</sup>.

Аmmo биз бу ўринда мунозарага асос йўқ, деб ўйлаймиз. Негаки, лексемалашув жараёнида ҳам янги шакл ясалади, ҳам янги сўз ясалади. Ясалган янги бирлик ўзининг янги шакли ва янги маъноси билан лексикология ихтиёрига ўтади. Шунгача кечадиган жараён эса грамматик қоидалар доирасида юз беради. Шунинг учун ҳам лексемалашув ҳодисасини сўз ясалиши ва у орқали грамматика доирасида қарашга шубҳа билдиришнинг ҳожати йўқ.

Бобнинг «*Грамматик шакллар ва лексемалашув*» номли иккинчи бўлимида (2.2.) лексемалашув ҳодисасининг кенг ва тор маънода тушунилиши хусусида тўхталиниб, тор маънода фақат бирикманинг сўзга айланишини қамраб олиши, кенг маънода эса грамматик бирликларнинг лексемалашувга тортилишини ҳам ўз ичига олиши ва бундай лексемалашувда мотивловчи асоснинг ҳам иштироки сезилиши эътироф этилган. Лексемалашувнинг юз бериш жараёнида икки сўзнинг ўзаро бирикиши натижасида янги бир маънони англатадиган тил бирлиги пайдо бўлиши лозим. Шундай экан, ҳосила маъно янги бирлик таркибига кирган лексемаларнинг дастлабки маъноларини бутунлай инкор этадими? Йўқ, албатта. Бундай хулосага келиш мантиқсизлик бўлар эди. Лексемалашув ҳодисаси туфайли содир бўлган янги сўз икки, балки ундан ортиқ лексемаларнинг негизида ҳосил бўлар экан, уларнинг мазмунидан бутунлай узоқлашиб кетмайди. Гарчи узоқ вақт ўтиши билан бу муносабат сезиларсиз ҳолатга келиб қолган бўлса ҳам, тарихий планда ўрганиш бу яқинликнинг мавжуд эканлигини исботлаб беради. Шундай экан, лексемалашув натижасида ҳосил бўлган бирликда ҳам мотивловчи асос бор, деб айта оламиз. Масалан, *сўз+қўшимча* структурасида бу нарса аниқ билиниб турибди, яъни унда сўз – мотивловчи асос, қўшимча – восита. Лексемалашув маҳсули бўлган сўзларда мотивловчи асос иккита ёки ундан ортиқ бўлиши мумкин.

Икки ёки ундан ортиқ мустақил бирликларнинг ўзаро бирикиб, лексемалашуви бу жараённинг бир кўриниши сифатида қаралади. Илмий адабиётларда сўзнинг грамматик шакллари ҳам лексемалашувга учраши мумкинлиги қайд этилади. «Бунда сўз шаклларида бирининг ўз

---

<sup>15</sup>Гайгер Р.М. К вопросу о лексикализации демиинутивов / Вопросы структуры и функционирования русского языка. Сборник. Вып.5. – Томск, 1984. – С.3-14.

парадигмасидан қисман узоқлашиши натижасида улардан бири, одатда кейингиси алоҳида маъно касб этади. Масалан, рус тилида *грязь* – «ботқоқ, лой, балчиқ», *грязи* – «шифобахш балчиқ»<sup>16</sup>.

Ўзбек тилидаги айрим қўшимчалар, масалан, ундош билан тугаган феъллардан келаси замон сифатдош шаклини ясайдиган *-ар* қўшимчаси баъзи сўз бирикмаларининг лексемалашувида асосий грамматик восита бўлади: *бешиктерватар, бешотар, бўйўсар, бўрибосар, бошкесар, гапсотар, изқувар, ичкетар, ишбузар, йўлтўсар, каллакесар, кунгабоқар, кунчиқар, меҳнатсевар, молбоқар, молйигар, молтопар, музёра, отбоқар, отчопар, тезоқар, тезотар, тезтишар, тезучар, тиллатопар, тинчликсевар, товонтешар, тонготар, тошотар, хушёқар, чўрткесар, чўчқабоқар, эркемар, ўринбосар, қўйбоқар, ҳуснбузар* каби. Бу бирикувлардан *-ар* ни ажратиб олсак, сўзнинг қолган қисми ўзбек тили учун ғайриодатий тус олади. Чунки қисмлари мустақил маъно англатса ҳам, ўзбек тилида *тинчлик+сев, меҳнат+сев, из+қув, ҳусн+буз* ва ҳоказо кўринишдаги ясалиш йўқ. Гарчи бу лексемалар таркибида аниқловчи+аниқланмиш курилмасида иккита мустақил сўз қатнашаётган бўлса ҳам, улар *-ар* қўшимчасисиз *бешикни терват/тебрат, бошни кес, бўрини бос, гапни сот, изни қув, ишни буз* сингари сўз бирикмаларининг келишиқ қўшимчаси белгисиз қўлланган ва феълнинг буйруқ-истак майлида. Бинобарин, улар *-ар* аффиксисиз лексемалаша олмайди.

Тил тараққиёти ҳам диалектика қонунларига бўйсунган ҳолда яралишнинг соддаликдан мураккабликка, умумийликдан аниқликка, маҳсулсизликдан маҳсулдорликка қараб интилар экан, бу жараёнда тил элементларидаги семантик-грамматик чегараланишлар тобора ойдинлаша боради. Шу маънода лексемалашув ҳодисаси семантик чегараланишларга хизмат қилади ва уларнинг мавжудлиги стилистик мақсадлар билан ҳам изоҳланади.

Шу асосда лексемалашув ҳодисаси тилдаги сўз ясалишининг бошқа усуллари каби нутқий ҳосилаларнинг мазмун ва шакл жиҳатдан яхлит бутунликка айлана бориши билан тил луғавий қатламининг бойиб боришига ўз ҳиссасини қўшади. Шунинг учун ҳам Ҳ.Неъматов, Р.Расуловлар лексемалашувни соддаланиш, яхлитланиш (идеоматизация), атамаланиш (терминлашиш) сингари лексемалар ҳосил бўлишининг фаол усулларида бири сифатида эътироф этган эди<sup>17</sup>.

Бобнинг «*Лексемалашув диахроник ҳодиса сифатида*» номли учинчи бўлимида (2.3.) лексемалашув ҳодисасининг юзага келишини тилнинг тарихий тараққиёти жараёнлари билан боғлиқлиги таҳлил этилган. Ҳозирги ўзбек тилида бир сўз шаклида қўлланадиган бир қанча бирликларнинг бир сўз шаклига келиши ҳам уларнинг материаллари бўлган синтактик тузилмалар тилнинг турли тараққиёт давлари ёки босқичларидаги доимий

<sup>16</sup><http://madrona.uraic.ru/sites/edu/vuz/russian/term...>

<sup>17</sup>Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикология асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б.43-45.

қўлланиш жараёnlари билан боғлиқдир. Албатта, лексемалашувга учраган ҳар бир сўзнинг аввалги шаклини тиклаш, унга шу асосда аниқ тавсифлар бериш бир қадар мураккаб, аммо синтактик тузилмаларнинг бир сўз мақомига келиши юзасидан айрим лингвистик тасаввурларни бериш мумкин.

Маълумки, ўзбек тилидаги *хона*, *обод* сингари сўзлар лексемалашув жараёнида иштирок этган ва улардан *босмахона*, *кутубхона*, *расадхона*, *майхона*, *ҳамхона*, *гапхона*, *қамоқхона*; *элобод*, *манзилобод*, *мусулмонобод*, *Халқобод*, *Нуробод*, *Ҳамзаобод*, *Зафаробод*, *Миробод* каби сўзлар ясалган. Аммо ўзбек тилининг кейинги тараққиётида сўзлар бу бирликлар сўз ясалиш жараёнида жуда фаоллашиб кетиб, уларнинг мустақил маъно англатишидан кўра аффиксга томон силжиш жараёни ва уларнинг аффиксоид деб атала бошлагани кузатилади.

